*Музаффар* **НАИМОВ**

# СУРХОН ҚЎШИҚЛАРИ



*МУЗАФФАР НАИМОВ*

# СУРХОН ҚЎШИҚЛАРИ

## (I ҚИСМ)

Сурхондарё вилоят Матбуот бошқармаси, «ЖАЙҲУН» нашриёти.
ТЕРМИЗ — 1997 йил.

Ушбу асар «Сурхон қўшиқлари» туркум китобларининг ҳам, муаллифнинг ҳам дастлабки китобчаси. Шу боис ушбу китобча тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, истак-таклифларни муаллиф интизорлик билан кутади ва мамнуният ила қабул қилади.

Ушбу асарнинг нашр этилиши ва чоп қилинишида катта ёрдам кўрсатган барча дўстларга, хусусан, Денов шаҳар ҳокимлиги, «Зафар» ичкии корхонаси, Сут-ёг Хисса дорлик жамияти, Денов «Промэнергомонтаж» бошқармаси, Денов телевидениеси, Денов тумани хўжалик ҳисобидаги 21-автокорхона, Денов ижара босмахонаси жамоаларига муаллиф ўзининг сидқидил миннатдорчилигини изҳор этади.

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ САНЪАТ БИЛИМ ЮРТИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ
ҲАЛИМ ШАМСУТДИНОВ ТАҲРИРИ ОСТИДА.

МУЗАФФАР НАИМОВ

СУРХОН ҚЎШИҚЛАРИ

(С) Сурхондарё вилоят матбуот бошқармаси «Жайҳун» нашриёти.

ТЕРМИЗ — 1997 йил.

Нашриёт муҳаррири А. ХИДИРОВ
Тузилиш муҳаррири М. ЖУРАЕВ.
Нотaларни Г. ШВАРЦ расмга туширган.
Нотaларни А. НАИМОВА ва И. ЖОНМУРОДОВлар чизган.

Теришга берилди 1. 04. 97 йил.
Босишга рухсат этилди 14. 04. 97 йил.
Бичими 60х84 1/3. Ҳажми 4,5 босма табоқ.
Нусхаси 3000 дона. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 10

Сурхондарё вилоят матбуот бошқармаси. Денов ижара босмахонасида терилиб, офсет усулида чоп этилди.

# ШИЖОАТ

Давр шиддатли, бизнинг яшаб турган давримиз эса ундан ҳам шиддатли. Ахборот воситалари, фан-техника халқ оғзаки ижодини қўллашга унчалик эҳтиёж қолдирмади. Бу борада телевидение катта аҳамият касб этади. Албатта, телевидение — буюк кашфиёт. У ҳам кинематография, радио сингари одамларнинг асосий орзу армонларини рўёбга чиқарган. Ахир, халқлар ўз эртакларида «учар гилам»ларни, «ойнаи жаҳон»ларни орзу қилмаганми?

Телевидение ҳақиқатдан ҳам «ойнаи жаҳоннома» ўрнини босди. Одамлар ўз уйларида телеэкран орқали жаҳон воқеаларини томоша қиладилар, шу телеэкран орқали не-не одамлар-у, санъаткорлар билан мулоқотда бўладилар. Шундай бўлгач, узундан-узоқ достон эшитиш, момолардан эртак тинглашнинг ҳожати бормикан? Ёки комбайнлар ғаллани ўриб, янчгач, «Ёзи», «Майда» айтишга на ҳожат? Аммо масаланинг маънавий томонлари бор. Бир мисол: Шотландиянинг баъзи шаҳарларида қадимий асори-атиқалар билан бир қаторда энг замонавий санъат обидалари ҳам яшайди. Бунинг сабаби шундаки, инсон ўз ўтмишини, тарихини унутмаслиги керак. Бунинг катта аҳамиятга моликлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Аммо, фольклор неча-неча асрлардан буён турли шароитларда ўзига йўл топиб бизнинг кунларимизгача етиб келган. Ҳозирги шароитда, ўта саводхонлик барқарор бўлган даврда ҳам халқ қўшиқлари ўзига бошқа шаклда, бошқача шароитда йўл топмоқда. Бу ҳозирда жуда кенг ривожланиб кетган бадиий ҳаваскорлик коллективларидир.

1960 йилларнинг бошларида бадиий ҳаваскорликнинг тамомила янги шакли вужудга келди. Бу фольклор этнографик ансамбллари эди. Янгилиги шундаки, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида асосан иштирокчиларнинг ёш жиҳатлари ҳисобга олинса, фольклор этнографик ансамбллари учун ёш жиҳатининг аҳамияти йўқ. Унда гўдакдан тортиб кексаларгача қатнашиши мумкин. Масалан, «Шалола» фольклор этнографик ансамбли 1970 йилда тузилган бўлса, ўшандан буён ансамбль репертуарида кекса чоллар ҳам, кампирлар ҳам, йигитлар ҳам, келинчаклар ҳам, болалар ҳам иштирок этадилар. Чунки, ансамбль репертуари шуни талаб этади. Унинг репертуарида Наврўзга бағишланган бир соатлик саҳна бор. Бу саҳна «Суст хотин» қўшиғидан бошланади. Қадимий маросимга кўра, бу қўшиқни ҳамма ўгил боладан муйсафидгача, қизалоқдан кампиргача айтиши мумкин. Ёмғир маъбудаси Суст хотинга илтижо қилганда ҳамма иштирок этса, ёмғир ёғар эмиш.

СУСТ ХОТИН, СУЗМА ХОТИН,
КУЛАНКАСИ МАЙДОН ХОТИН
ЕМҒИР ЕҒДИР, ХУЛ БУЛСИН.
ЕРУ ЖАҲОН КУЛ БУЛСИН.
МАЙСАЛАР ҚУЛОҚ ЁЗСИН,
СУТУ ҚАТИҚ МУЛ БУЛСИН...

Бу қўшиқни Музаффар Наимов чиройли нота чизиғига туширган. Бундан кейин эса «Хўп майда» қўшиғи. Бу қўшиқ мазмунидан кўриниб турибдики, тўртликларни алоҳида-алоҳида шахслар ҳам ижро этиши мумкин, шунингдек, жамоатчилик биргаликда куйласа ҳам бўлади. Кейинги қўшиқлар: «Лола сайли», «Наврўз қўшиғи», «Ҳей Лола», «Турна келди», «Жарчилар қўшиғи», «Дўрси-дўрси» эса деҳқоннинг фаровонликка эришган даври Наврўз байрамимизда халқ қувончининг чексизлиги ифода этилади.

Музаффар Наимовнинг китоби (халқ қўшиқларини нота чизиғига кўчирган) хусусида юқоридаги гапларни айтиб олишимизнинг боиси бор, албатта. Халқ қўшиқларини тўплаб китоб чиқарилган. Лекин халқ қўшиқларини, айниқса, тематик доирада, мактаблар учун бу хил вариантдаги қўшиқлар ва уларни нотага солиш бу, менимча, муаллифнинг фақат изланиши ва тиришқоқ изланиши, қўлга киритган илк муваффақияти деса бўлади.

Сўнгида шу нарсани айтишимиз лозимки, халқ қўшиқлари — бебаҳо хазина. Ана шу хазинани тўплаб, уларни нота чизиғига кўчириш, йўқолиб кетиш хавфи бўлган халқ қўшиқларини сақлаб қолиш йўлидаги шижоатда нафақат Музаффар Наимов, барчамиз биргаликда ҳаракат қилмоғимиз лозим. Ана шу шижоатга қўл урган укамиз Музаффар Наимовни камтарона иши билан табриклаймиз.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон «Маънавият ва маърифат» марказий кенгаши аъзоси.

# МУАЛЛИФДАН

Санъат, бу мўъжизакор қаср экан. Унга кириб қолган кишининг қалби маънавият сарчашмасидан баҳраманд бўлиб туради.

Санъат қасри ичида айниқса, мусиқа алоҳида жозиба касб этади. Айтишларича, Одам Ота яратилганда, унга мусиқа, куй билан жон киритилган экан. Шу боис мусиқачиликда ижод қилиш, у борада иш олиб бориш ҳам масъулиятли, ҳам жозибакор туюлади.

Халқ ижоди бир уммон, унинг қўшиқ, куй сарчашмасидан баҳраманд бўлиб, халқнинг ўзидан олиб, ўзига нотага солиб қайтаришни Республикамиз мусиқашунос олимлари анча илгари бошлаганлар. В. А. Успенский, Е. Е. Романовская, М. Юсупов, Ф. Кароматов, И. Акбаров каби мусиқашунос ва композиторлар нотага туширган мақом ва халқ қўшиқлари ҳозирги кунда мусиқа меросимизни ўрганишга катта ҳисса қўшмоқда. Айниқса, Академик Юнус Ражабийнинг узоқ йиллар олиб борган изланишлари туфайли халқимиз томонидан ижро этиб келинаётган «Шашмақом» ҳамда турли халқ қўшиқлари нота ёзувига туширилганлиги бугунги ва келгуси авлодга бой мерос сифатида қолмоқда.

Ушбу китобчани ёзиб, мусиқа ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этиш борасида бир неча йиллар изланишимга тўғри келди. Сабаби — халқимиз орасида маънавий мулкимиз сифатида асрлар оша сақланиб, куйланиб келинаётган кўплаб қўшиқлар унинг бой мероси сифатида ҳозиргача махсус нота ёзувига туширилмаган. Мен бугунги кунда халқимиз томонидан тўй-томошаларда, сайллар ва байрамларда завқ билан куйланиб келинаётган бир талай қўшиқларини тўплаб махсус нота ёзувига тушириб санъаткорлар ҳукмига ҳавола этишни мақсад қилган эдим. Менинг бу уринишимда кўмак ва таниқ бўлган Бойсун «Шалола» фольклор этнографик ансамблидан ниҳоятда миннатдорман. Ҳақиқатда бу ансамбль Сурхон халқ куйларини, ашулаларини йиғиб, куйлаб, уларни бутун Ўзбекистонга, бинобарин бутун жаҳонга олиб чиқди. Менинг ижодим ҳам аввало шу ансамбль ижро этган халқ қўшиқларининг нотага солишдан бошланди ва ушбу китобчага ҳам унинг асосий қисми киритилди. Шу тариқа изланишларим самараси ўлароқ «Баҳор ҳақида халқ қўшиқлари», «Турли мавзудаги халқ қўшиқлари» ҳамда «Халқ куйлари» каби туркум қўшиқ ва куйларини нотага туширишга эришдим. Масалан, халқимизнинг баҳорги экиш мавсуми олдидан айтиладиган «Жарчилар қўшиғи», «Наврўз», «Суст хотин», «Лола сайли», «Лолажон», «Турна келди» ва бошқа кўплаб қўшиқлар шунингдек, «Бойсунча куй», «Кўча боғи» куйлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари «Қўш ҳайдаш», «Майда, майда», «Ё рамазон», «Ковушим», «Дўрси-дўрси» сингари бир талай турли мавзулардаги кенг қамровли қўшиқлар ҳам борки, улар нотага туширилгандан кейин янгидан жозиба касб этиш билан бирга, ижрочи учун дастур вазифасини ҳам ўтайди.

Бу нотага тушириш ишимизнинг дастлабкиси, келажакда Сурхон халқ қўшиқларини нотага туширишни янада давом эттириб, ушбу китобнинг давоми сифатида иккинчи ва учинчи қисмларини ҳам яратиш ниятидаман.

Булар эса мактаб ва мактабдан ташқари болалар муассасалари, мусиқа ўқитувчилари, мусиқа билим юртлари талабалари, бадиий ҳаваскорлар тўгараклари яккахон ижрочиларининг куй ва қўшиқ ўрганишида махсус қўлланма вазифасини ўтайди, деган умиддаман.

# БАҲОР ҲАҚИДА ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

## *ЖАРЧИЛАР ҚЎШИҒИ*




БОР, ҲО,
КЕЛ, ҲО
ҲАМАЛАМ, ҲА,
ЙЎЛ ҚАЙДА?
ТЕЗДА ЧОПИБ КЕЛ!
ЙЎЛНИ ТОПИБ КЕЛ!
ЎЙНАГАНИ КЕЛ!
ҚУВНАГАНИ КЕЛ!
САЙЛГА КЕЛ, ҲО-О-О!

# НАВРЎЗ

Жовлиров






БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН!
ҲАММА БИР-БИРИГА ЖИГАРСЎЗ ЭКАН.
ОЛАМ ҲАМ БАРОБАР КЕЧА-КУНДУЗ ЭКАН,
БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН!

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ҲОЙ БОБО!
ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ҲОЙ МОМО!
ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ҲОЙ ОНА!
БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН!

ҲОЙ БОҒБОН БОБО, НИҲОЛГА БЕРСИН БАРАКА!
ҲОЙ ДЕҲҚОН БОБО, ДАЛАНГА БЕРСИН БАРАКА!
ҲОЙ ЧЎПОН БОБО, ҚЎРАНГГА БЕРСИН БАРАКА!
БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН!

# СУСТ ХОТИН

Шошилмай




НАҚОРАТ.

СУСТ ХОТИН, СУЗМА ХОТИН,
КУЛАНКАСИ МАЙДОН ХОТИН!

ЕМГИР ЕГДИР, ХУЛ БУЛСИН,
ЕРУ ЖАХОН КУЛ БУЛСИН,
МАЙСАЛАР ҚУЛОЧ ЕЗСИН,
СУТУ ҚАТИҚ МУЛ БУЛСИН.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

ЕМГИР ЕГДИР, КУК БУЛСИН,
ҚУРГОҚЧИЛИК ЙУҚ БУЛСИН,
АРПА, БУГДОЙ БОШ ТОРТСИН,
КАЙВОНИЛАР ОШ ТОРТСИН!

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

ЕМГИР ЕГДИР, ХУЛ БУЛАЙЛИК,
БИЗ ХАМ СЕНГА ЖУР БУЛАЙЛИК.
КУКЛАМДА УЙНАБ-КУЛИБ,
ХАМ ШУХУ, ХАМ ЗУР БУЛАЙЛИК.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

ЕМГИР ЕГДИ, ДУЛ БУЛДИ!
ЕРУ ЖАХОН КУЛ БУЛДИ,
ШАФТОЛИЛАР БАРГ ЁЗДИ,
ДУНЕ ТУЛА ГУЛ БУЛДИ.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ.

## ЛОЛА САЙЛИ (ЛОЛАЖОН)

Ўртача тез




НАҚОРАТ:

ЛОЛА, ЛОЛА, ЛОЛАЖОН,
ЎСАР ЖОЙИНГ ДАЛАДА.
ЛОЛА, ЛОЛА, ЛОЛАЖОН,
ЧИДАДИНГМУ ЖАЛАГА?

ЖАЛА ЕҒСА, ҚЎРҚМАГИН,
СЕЛЛАР ОҚСА, ҚЎРҚМАГИН.
ЧИРОЙИНИ ОЧАЙ ДЕБ,
ҚИЗЛАР ТАҚСА, ҚЎРҚМАГИН.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

САЙИЛИМИЗ ШЎХ БЎЛСИН,
ДАРДУ АЛАМ ЙЎҚ БЎЛСИН,
СЕН ҚИП-ҚИЗИЛ ЯШНАГИН,
ОҚ КЎНГИЛЛАР ТЎҚ БЎЛСИН.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

ЮР, САЙИЛГА БОРАЙЛИК,
ЛОЛАЛАРНИ КЎРАЙЛИК.
ҚУЧОҒИМИЗ ТЎЛДИРИБ,
ЛОЛА ГУЛЛАР ТЕРАЙЛИК!

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

ЕРНИНГ ҚОНИ —ЛОЛАЖОН,
ЕРНИНГ ЖОНИ —ЛОЛАЖОН.
ЛОЛА САЙЛИГА КЕЛИБ,
КЎРДИК СЕНИ, ЛОЛАЖОН.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

# ҲЕЙ ЛОЛА

Кувноқ




ЛОЛАЧАГА ИШИМ БОР, ҲЕЙ ЛОЛА,
КИССАМДА КИШМИШИМ БОР, ҲЕЙ ЛОЛА.
КИШМИШ БУЛСА МАЙЛИГА, ҲЕЙ ЛОЛА,
ҚИЗ БОЛАДА ИШИМ БОР, ҲЕЙ ЛОЛА.

ТОМ УСТИГА ПИЕЛА, ҲЕЙ ЛОЛА,
ИЧИ ТУЛА ГУЛ ЛОЛА, ҲЕЙ ЛОЛА.
НАРИ ТУРИНГ БУЗ БОЛА, ҲЕЙ ЛОЛА,
УЯЛАДИ ҚИЗ БОЛА, ҲЕЙ ЛОЛА.

ТОМ УСТИДА НЕЛАР БОР, ҲЕЙ ЛОЛА,
УРДАК БИЛАН ҒОЗЛАР БОР, ҲЕЙ ЛОЛА,
УРДАК КЕТИБ ҒОЗ ҚОЛСИН, ҲЕЙ ЛОЛА,
ДУШМАН УЛСИН, ДУСТ ҚОЛСИН, ҲЕЙ ЛОЛА.

ЮГУР, ЮГУР МЕН ТУРАЙ, ҲЕЙ ЛОЛА,
БОШИНИ ГУЛГА УРАЙ, ҲЕЙ ЛОЛА.
СЕНГА КЕЛГАН БАЛОГА, ҲЕЙ ЛОЛА,
УЗИМ КУНДАЛАНГ БУЛАЙ, ҲЕЙ ЛОЛА.

# ҲАЙИНЧАК

Майин, секин




ҲАЙИНЧАК, ҲО ҲАЙИНЧАК,
ҲАЙИНЧАКДА КЕЛИНЧАК...
САЛТЛИГИНИ СОҒИНГАН,
КЕЛИНЧАК ҲО—КЕЛИНЧАК,

ҲАЙИНЧАК, ҲО ҲАЙИНЧАК,
ҲАЙИНЧАКДА КЕЛИНЧАК,
БОВНИ ҚУЯГА КУЗАТИБ,
УЧАВЕРГИН ҲАЙИНЧАК.

ҲАЙИНЧАК, ҲО ҲАЙИНЧАК,
ҲАЙИНЧАКДА КЕЛИНЧАК...

# ТУРНА КЕЛДИ

Ўртача.




АРҒАМЧИ, ГИЛАМЧИ,
ТУРНА БЎЙЛИК БОЛАЖОН,
КЎКЛАМГА ТИЛАМЧИ,
АРҒАМЧИ, ГИЛАМЧИ.

ТУРНА ДЕСАМ, ТУРУМЛИ,
КЕНГ ДАЛАГА ҚЎНИМЛИ.
ТУРНАЛАР УЧСА ПАСТЛАБ,
РИСҚИНГ КЕЛАР УНУМЛИ,
АРҒАМЧИ, ГИЛАМЧИ.

ТУРНА ЎЗИ ҚУРУМЛИ,
УСТИ ҚОРА, БЎЙНИ ОҚ.
ТУРНА УЧСА ВАЛАНДЛАБ,
ЙИЛ КЕЛАДИ ҚУРУМСОҚ,
АРҒАМЧИ, ГИЛАМЧИ.

ТУРНА --ТИЛЛО ТАРОЗИ,
ОБИ-ҲАВОГА ҚОЗИ,
ТУРНА УЧСА ЮРТИНГГА,
САЛҚИН КЕЛАДИ ЕЗИ,
АРҒАМЧИ, ГИЛАМЧИ.

# ТУРЛИ МАВЗУДАГИ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

## ДЎРСИ—ДЎРСИ

Тез




НАҚОРАТ:

ҲА, ДЎРСИ, ДЎРСИ, ДЎРСИЯ,
ЎЙНА, БЎЙИНГНИ КЎРСИН.
ҲА, ДЎРСИ, ДЎРСИ, ДЎРСИЯ,
АЙЛАНГ, БЕЛИНГНИ КЎРСИН.

ҚОРА УЗУМ ҚОРАСИДАЙ
КЎЗЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ.
ҚИЗИЛ УЗУМ ҚИЗИЛИДАЙ.
ЛАБЛАРИНГДАН АЙНАЛАЙ.

НАҚОРАТ такрорланади.

ЯНГИ ТОКНИНГ ТАНАСИДАЙ,
БЕЛЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ.
ЯНГИ ТОКНИНГ НАВДАСИДАЙ;
ҚЎЛЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ.

НАҚОРАТ такрорланади,

ДЎРСИ, ДЎРСИ ДЕГАН БИЛАН,
УЗУМ ШИННИ БЎЛМАЙДИ.
ШИННИ, ШИННИ ДЕГАН БИЛАН,
ОҒИЗ ЧУЧУК БЎЛМАЙДИ.

НАҚОРАТ такрорланади.

ДЎРСИ ҚИЛИБ АЖРАТАЙЛИК,
УЗУМНИНГ ШАРБАТИНИ.
ПАРИЛАРГА МИНГЗАТАЙЛИК,
ШУ ҚИЗНИНГ КЕЛБАТИНИ.

НАҚОРАТ такрорланади.

## ҲАЙ ЁР-ЁР

Шошилмай




НАҚОРАТ.

ҲАЙ ЕР-ЕР, ЕРИНГМАН,
КЕЛГИН, ЕР, ЎЙНАЙЛИК.
МЕН СЕНИНГ СЕВГАН ЕРИНГМАН,
КЕЛГИН, ЕР, ЎЙНАЙЛИК.

ЎЙНА, ЎЙНА, МЕН КЎРАЙ,
ҲАЙ ЕР-ЕР, ЎЙНАЙЛИК.
БОШИНГГА ГУЛЛАР ЎРАЙ,
КЕЛГИН ЕР ЎЙНАЙЛИК.
СЕНГА КЕЛГАН БАЛОГА,
ҲАЙ ЕР-ЕР, ЎЙНАЙЛИК.
ЎЗИМ КЎНДАЛАНГ БЎЛАЙ,
КЕЛГИН, ЕР, ЎЙНАЙЛИК.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

ЭШИК ОЛДИ МОҲПОЯ,
ҲАЙ ЕР-ЕР, ЎЙНАЙЛИК.
БАРГИ БОШИМГА СОЯ,
КЕЛГИН, ЕР, ЎЙНАЙЛИК.
ИМЛАГАНИМ БИЛМАЙСАН,
ҲАЙ ЕР-ЕР ЎЙНАЙЛИК.
ҚИЧҚИРВОРСАМ ОШКОРА,
КЕЛГИН, ЕР, ЎЙНАЙЛИК.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

АРИҚ БЎЙИ ТЕРАКЗОР,
ҲАЙ ЕР-ЕР, ЎЙНАЙЛИК.
ҚИЗ БОЛА ҲАМ ГИНАДОР,
КЕЛГИН, ЕР, ЎЙНАЙЛИК.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

# ЁР—ЁР, ЁРОНЕ




СУВ КЕЛАДИ МУРИДАН, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ,
МУРИДАН ҲАМ НАРИДАН, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ.
АКАГИНАНГ АЙЛАНСИН, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ,
КОКИЛИНГНИНГ ТОРИДАН, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ.

ТОМ УСТИДА БЕДА БОР, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ,
МАЙДАСИНИ ЭЛАБ ОЛ, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ,
ШУНЧА БАРНО ИЧИДАН, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ,
ЯХШИСИНИ ТАНЛАБ ОЛ, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ.

СУРХОН КУРКИДИР БОЙСУН, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ,
ҚИЗЛАР РУМОЛИН ЁЙСИН, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ.
ХАЛҚИМИЗНИНГ БАХТИГА, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ,
ЮРТИМИЗ ОМОН БУЛСИН, ЁР-ЁР, ЁРОНЕ.

## АЙЛАНСИН ЁР, АЙЛАНСИН

Қувноқ




АЙЛАНСИН ЁР, АЙЛАНСИН,
ҚОШЛАРИ ҚОРА АЙЛАНСИН.
ШАФТОЛИЗОР ИЧИДА
БОДОМ ҚОВОҚ АЙЛАНСИН
ЯҚУ, ЯҚУ, ЯҚУ-Я

ДЕВОЛ УСТИДА ДЕВОЛ,
ДЕВОНА БЎЛСИН АКАНГ,
БОШИНГДА БАЛХИ РЎМОЛ,
ИШҚИНГДА ЎЛСИН АКАНГ,
ЯҚУ, ЯҚУ, ЯҚУ-Я.

ТОГЛАР БОШИ НУРАМА,
КИЙИК ШОХИ БУРАМА,
БОЙ ҚИЗИНИ БЕРМАСА,
БОЙНИ ХУДО УРАМА?
ЯҚУ, ЯҚУ, ЯҚУ-Я.

# КОВУШИМ

Шўxроқ




НАҚОРАТ

КОВУШИМ, ТАНГЛА ҚУШИМ,
БОГЛАРНИ КЕЗГАН КОВУШИМ,
САБЗАИ ОБИ РАВОН,
ТОГЛАРНИ КЕЗГАН КОВУШИМ.

МЕН КОВУШИМНИ ЙЎҚОТДИМ,
ЛАҚАЙЛАР БОЗОРИДА.
ЎҒРИЛАР ОЛИБ КЕТДИ
Ё ХОТИНИ, Ё ҚИЗИГА.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

КОВУШИМНИНГ ЧАРМИ
ҲЎКИЗНИНГ ЎРТАН БЕЛИДАН.
ЙИРТИЛИБ, ЁРИЛМИШ,
ИССИҚ-СОВУҚНИНГ ЗАХМИДАН.

НАҚОРАТ ТАКРОРЛАНАДИ:

# Ё РАМАЗОН

Уртача.




(Шу уйга барака).

РАББИМАН, Ё РАББИМАН, Ё РАМАЗОН.
РАББИМАН, ОЛЛОҲУММА, ҲУ РАМАЗОН.
АВАЛ БОШЛАБ ХУДОНИ ЁД ЭТАЙЛИК,
ПАЙҒАМБАРЛАР РУҲИНИ ШОД ЭТАЙЛИК,

Ё РАМАЗОН!

МАККАДА БИР МАЧИТ БОР—ҚИРҚ ДАРИЧА,
САҲОБАЛАР СЎЙЛАЙДИЛАР КУНДА, КЕЧА.
РЎЗАНИ УЧ КУН ТУТИБ КЕЛДИК СИЗГА,
РЎЗАНИНГ ЗАКОТИНИ БЕРИНГ БИЗГА,

Ё РАМАЗОН!

МАККАДА БИР ЁГОЧ БОР—БОШИ ҚОРА,
ХУДОЙИМ ЎҒИЛ БЕРСИН ҚОШИ ҚОРА.
РАББИМАН АЙТИБ КЕЛДИК ЭШИГИНГА,
ХУДОЙИМ ЎҒИЛ БЕРСИН БЕШИГИНГА.

Ё РАМАЗОН!

РЎЗА ТУТ, НАМОЗ ЎҚИ ЖОНИНГ УЧУН,
РЎЗАГА ЗАКОД БЕРГИН МОЛИНГ УЧУН.
РАББИМАН АЙТАР ЭДИ УСМОН АЛИ,
ҚОЛДИ БИЗГА ЁДГОР-АЛИ.
Ё РАМАЗОН!

# ҚЎШ ҲАЙДАШ ҚЎШИҒИ

Жонлироқ.






ҚЎШДА ИЛДАМ ЮРМАСАНГ,
УЧАНГА ТУРТИБ ҚЎЯМАН.
ЯХШИ ЮРСАНГ, ШОХИНГА
МОЙЛАР СУРТИБ ҚЎЯМАН.

ШОХЛАРИНГ БОР ШОМИЕН,
КЎЗЛАРИНГ БОР ОЙНАДАЙ.
СЕНДАН ҚОЧАДИ ҚУЕН,
ТУТИ БИЛАН МАЙНАДАЙ.

ҚЎШНИ ТОРТГИН, ЖОНИВОР,
ТУМОР ТОҚАЙ ШОХИНГГА,
САРАТОНДА ИШЛАГИН,
СОМОН ҚОЛАР ҲАҚИНГГА.
ҚЎШГА ҚЎШДИМ ҚЎШ ҲЎКИЗ,
ЧУ-ҲО, ЧУ, ЧУ-ҲО, ЧУ.

ИККИСИ ҲАМ ИШ ҲЎКИЗ,
ЧУ-ҲО, ЧУ, ЧУ-ҲО, ЧУ.

ЎЗ ИШИНГНИ ТИНДИРИБ,
ЧУ-ҲО, ЧУ, ЧУ-ҲО, ЧУ.
ҲОВУРИНГДАН ТУШ ҲЎКИЗ,
ЧУ-ҲО, ЧУ, ЧУ-ҲО, ЧУ.

ҚОРА МОЛИМ, ҚОБИЛИМ,
ЧУ-ҲО, ЧУ, ЧУ-ҲО, ЧУ.
ҚОРА ЕРНИ ҚОҚ ЁРГАН,
МЕҲНАТИНИНГ ЗЎРИДАН,
ТЕПАСИДАН ШОҲ ЁРГАН,
ЧУ-ҲО, ЧУ, ЧУ-ҲО, ЧУ.
ЧУ-ҲО, ЧУ, ЧУ-ҲО, ЧУ.

## МАЙДА – МАЙДА

Кувноқ.




МАЙДА ДЕСАМ, ХЎП ДЕДИНГ, МАЙДАЁ, МАЙДА,
СОМОНИНИ КЎП ДЕДИНГ, МАЙДАЁ, МАЙДА.
МАЙДА ҚИЛСА ЯРАШАР, МАЙДАЁ, МАЙДА,
БАРИ ЖОНИВОР ҚАРАШАР, МАЙДАЁ, МАЙДА,

ХЎП МАЙДА, МАЙДА, МАЙДА, МАЙДАЁ, МАЙДА.
СОМОНИ СЕНГА ФОЙДА, МАЙДАЁ, МАЙДА.

ҚАЙИРИБ, ҚАЙИРИБ БОСГИНА, МАЙДАЕ, МАЙДА,
ҚОЛМАСИН, ЎТСИН ЖОНИВОР, МАЙДАЕ, МАЙДА.
ЎРАЛИБ, ЎРАЛИБ БОСГИНА, МАЙДАЕ, МАЙДА.
ЎРАЛАР ТЎЛСИН ЖОНИВОР, МАЙДАЕ, МАЙДА.

ХЎП МАЙДА, МАЙДА, МАЙДА, МАЙДАЕ, МАЙДА,
СОМОНИ СЕНГА ФОЙДА, МАЙДАЕ, МАЙДА.

СЕНИ ЭНАНГ БУЮРДИ, МАЙДАЕ, МАЙДА,
СУВДАНА БУРНИНГ ЖИЙИРДИ, МАЙДАЕ, МАЙДА.
СЕНИ МАЙДАГА ҚЎШСИН ДЕБ, МАЙДАЕ, МАЙДА,
БОБОЙ ДЕҲҚОН БУЮРДИ, МАЙДАЕ, МАЙДА.

ХЎП МАЙДА, МАЙДА, МАЙДА, МАЙДАЕ, МАЙДА,
СОМОНИ СЕНГА ФОЙДА, МАЙДАЕ, МАЙДА.



# ХАЛҚ КУЙЛАРИ

## *БОЙСУНЧА КУЙ*

Ўртача тез




p
f
p
f
p
f

# КЎЧА БОҒИ (КУЙ)

Ўрта тезликда.





# ЎЗ ИЖОДИМДАН НАМУНАЛАР

Наьс тезлида

## ДЕВОНИМ

ЭГАМ ДУСТ шеъри




Се- пин ё- йиб кел- са а- гар
фас- ли ба- ҳо- ринг,
бог- ла- ринг- да гул- га тўл- са
ол- ма, а- но- ринг.
ю- р- а гим- га ил- хом бе- рар
ҳар соф на- ҳо- ринг,
э- лим се- виб куй- ла- ган
а- зал де- но- вим!
Бо- бо тоғ то- мон- дан
чиқ- қан- да қу- ёш,




КУНДАН-КУНГА ЧИРОЙ ОЧГАН ГУЗАЛ ДЕНОВИМ,
ЭЛУ-ЮРТГА ЗИЁ СОЧГАН МАШЪАЛ ДЕНОВИМ,
ШАЪНИНГГА БИР ҚУШИҚ БИТДИМ ЧИН ЮРАГИМДАН,
НОМИНГ БУГУН ТИЛЛАР АРО ҒАЗАЛ ДЕНОВИМ.
СЕНИ ЕНИБ КЕЛСА АГАР ФАСЛИ БАХОРИНГ,
БОҒЛАРИНГДА ГУЛГА ТУЛСА ОЛМА, АНОРИНГ,
ЮРАГИМГА ИЛҲОМ БЕРАР ҲАР СОФ НАҲОРИНГ,
ЭЛИМ СЕВИБ КУЙЛАГАН АЗАЛ ДЕНОВИМ!
БОБОТОҒ ТОМОНДАН ЧИҚҚАНДА ҚУЁШ,
ЗАРРИН НУРЛАРИНИ СОЧАР ЭГИБ БОШ.
САХОВАТИНГ КУЙЛАР ТИНМАЙ КЕКСА, ЁШ,
НУР ТАРАТГАН ЎЧМАС МАШЪАЛ ДЕНОВИМ!
ХАЛҚИНГ «ОҚ ОЛТИН»ДАН ЯРАТСА ХИРМОН,
ҚАЛБИ ЗАВҚҚА ТУЛИБ КУТАДИ МЕҲМОН,
ДУСТЛАР УЧУН ОЧИҚ ДОИМ ДАСТУРХОН,
ТОҒ БАҒРИДА ЯРАШИҚЛИ БАХМАЛ ДЕНОВИМ!

МЕҲРИБОНДИР ЎЗЛАРИ,
ЖОН ОЗИҒИ СЎЗЛАРИ,
МУНЧА ИССИҚ ЮЗЛАРИ,

ДАДАЖОНИМ ЯХШИЛАР,
ДАДАЖОНИМ ЯХШИЛАР,

ДАЛАДА ИШЛАЙДИЛАР,
ДИЛИМИЗ ХУШЛАЙДИЛАР,
ПОЛВОНГА ЎХШАЙДИЛАР,

ДАДАЖОНИМ ЯХШИЛАР,
ДАДАЖОНИМ ЯХШИЛАР,

ОҚШОМ ЙЎЛГА ЧИҚАМАН,
ДАДАМ ҚАЙТСА ҚУЧАМАН,
СЕВИНЧИМДАН УЧАМАН,

ДАДАЖОНИМ ЯХШИЛАР,
ДАДАЖОНИМ ЯХШИЛАР,

## МУНДАРИЖА

### БАҲОР ҲАҚИДА ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ


Шижоат 3
Муаллифдан 4
Жарчилар қўшиғи 5
Наврўз 6
Суст хотин 8
Лола сайли 9
Ҳей лола 10
Ҳайинчак 11
Турна келди 12


### ТУРЛИ МАВЗУДАГИ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ


Дўрси-дўрси 13
Ҳай ёр-ёр 14
Ёр, ёр, ёроне 15
Айлансин, ёр айлансин 16
Ковушим 17
Е рамазон 18
Қўш ҳайдаш қўшиғи 19
Майдаё-майда 21


### ХАЛҚ КУЙЛАРИ


Бойсунча куй 23
Кўча боғи (куй) 25


### ЎЗ ИЖОДИМДАН НАМУНАЛАР


Деновким. Э. Дўст шеъри 27
Лола. Ш. Саъдулла шеъри 30
Дадажоним. Б. Содиқов шеъри 31



МУЗАФФАР НАИМОВ 1962 йил Денов шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топган.

Мактабда ўқиш жараёнида Чайковский номли мусиқа мактабига ҳам қатнади. Бу уни мусиқага қизиқтирди ва Термиз мусиқа билим юртига ўқишга кириб, уни битирди.

1986 йилда М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги куллиётини битирди. Мактабларда, Денов район ва шаҳар мусиқа мактабларида ишлади. Айни пайтда шаҳардаги Тўхтасин Жалилов номли санъат мактабига директорлик қилмоқда.

Қўшиқ, куй басталашга қизиқади ва кўп вақтлардан буён шу соҳада ижод қилади, айниқса, халқ қўшиқ, куйларини нотага туширишни машқ қилади. Қўлингиздаги китобча унинг кейинги йилларда шу борада қилган машқлари маҳсули сифатида санъаткорлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

*„Жайҳун"*